

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*

УДК:336(575.1)

АХМЕДОВ ФЕРУЗ БАХОДИРОВИЧ

СОЛИҚ ТЎЛАШДАН ҚОЧИШ ХАВФЛАРИНИ АНИҚЛАШДА  
ЗАМОНАВИЙ ФИСКАЛ НАЗОРАТИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”


Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Нормурзаев Умид Холмурзаевич  
Иқтисодиёт фанлари доктори

Тошкент шаҳри-2023 йил

1278



## МУНДАРИЖА:

	<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I БОБ</b>	<b>СОЛИҚДАН ҚОЧИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ</b> .....	<b>15</b>
1.1§	Солиқдан қочиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларининг назарий асослари.....	15
1.2§	Солиқдан қочишнинг илмий-назарий асосларининг таҳлили.....	27
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	51
<b>II БОБ</b>	<b>СОЛИҚДАН ҚОЧИШ ҲОЛАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА УНИ КАМАЙТИРИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ</b> .....	<b>55</b>
2.1§	Солиқдан қочиш ҳолатларини аниқлаш ва уни баҳолаш амалиёти таҳлили.....	55
2.2§	Ўзбекистон солиқ тизимида солиқдан қочиш ҳолатлари билан боғлиқ муносабатлар таҳлили.....	70
2.3§	Солиқдан қочишда яширин иқтисодиётни камайтириш ва уларга оид иқтисодий-ҳуқуқий чоралар таҳлили.....	91
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	101
<b>III БОБ</b>	<b>СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ СОЛИҚДАН ҚОЧИШ (БЎЙИН ТОВЛАШ) ҲОЛАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b>	<b>104</b>
3.1§	Солиққа оид муносабатларда солиқ тўламаслик ҳолатларининг олдини олишдаги муаммолар	104
3.2§	Солиқдан қочишни камайтириш механизмларини самарадорлигини таъминлашда замонавий фискал инструментлардан фойдаланиш йўналишлари.....	120
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	130
	<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>133</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>128</b>

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда молиявий оқимларнинг нотекис ҳаракатида солиқ тўлашдан қочишнинг турли хил йўллари излаш ва ундан солиқ тўловчилар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Бирлашган миллатлар ташкилоти қошидаги Савдо ва тараққиёт конференцияси ҳисоб-китобларига кўра, ривожланаётган мамлакатлар йилига 100 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги молиявий ресурсларни “фойдани ўтказиш” амалиёти тарзида ноқонуний тарзда бошқа ҳудудларга ўтказиб, миллий иқтисодиёт доирасида солиқдан қочиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда<sup>1</sup>. Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг турли хил кўринишлари натижасида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда солиқларни минималлаштириш схемаларини қўллаш, солиқ тўловчилар томонидан олинган фойдани самарасиз фойдаланиш ва қайта инвестициялаш натижасида йўқотилаётган солиқли тушумлар ҳам йилига 250-300 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бу эса, жаҳон мамлакатларида солиқ сиёсатининг муҳим йўналишлари сифатида солиқдан қочишни камайтиришнинг маъмурий ва иқтисодий усулларида кенгрок фойдаланишга ундамоқда.

Кейинги йилларда дунё мамлакатлари қисқа ва узок муддатли бюджет-солиқ сиёсатига оид стратегиясини ишлаб чиқишда солиқ тўловчилар томонидан солиқдан қочиш ҳолатлари олдини олиш ва уни камайтиришнинг турли хил механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу билан биргаликда ноқонуний молиявий оқимларни камайтириш, солиқ тўловчилар томонидан солиқдан қочиш ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш, яширин иқтисодиётни камайтириш орқали солиқ тўлашдан бўйин товлаш жараёнларининг илмий-назарий жиҳатларига

---

<sup>1</sup> Организация Объединенных Наций. A/HRC/31/61.GE.16-00535 (R) 020216 020216. Окончательное исследование по вопросу о незаконных финансовых потоках, правах человека и Повестке дня в области устойчивого развития на период до 2030 года Независимого эксперта по вопросу о последствиях внешней задолженности и других соответствующих международных финансовых обязательств государства для полного осуществления всех прав человека, в частности экономических, социальных и культурных прав.